**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**
**ҲОКИМИ**
**ҚАРОРИ**

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**XORAZM VILOYATI**
**HOKIMI**
**QARORI**

**«01» февраль 20 20 yil**

**Урганч ш.**

**№45к**

**Нусха № ____**

## Хоразм вилоятида кўчма савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги "Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5564-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш бўйича Хоразм вилоятида савдо механизмларини янада яхшилаш товарлар бозорида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, кўчма савдони давлат томонидан самарали механизмларини ташкил этиш, шунингдек замонавий ахборот технологиялари жорий этган ҳолда чакана савдо тармоқлари жадал ривожлантириш орқали тадбиркорлик субъектларда савдо айланмасининг кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

**Қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон Фармонига асосан кўчма савдо учун рухсатнома олиш талаби бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2020 йил 1 февралдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: кўчма савдо тадбиркорлик субъектлари томонидан кўчма савдо объектларининг "YER AUKSION" электрон савдо майдонида (кейинги ўринларда – "YER AUKSION" ЭСМ) электрон рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

3. Кўчма савдо объектларининг жойлар сони кўрсатилган ҳолдаги жойлашув схемаларини келишиш, ваколатли идоралар томонидан қатъий электрон шаклда, "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда - "YERELEKTRON" ААТ) орқали унга ер участкалари бўйича маълумотлар киритилганидан сўнг уч иш кунида автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

4. Қуйидагилар:

Кўчма савдони амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“YERELEKTRON” ААТга уланадиган бошқарма, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари тегишли ҳудудда кўчма савдони ташкил қилиш ва амалга оширилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Қ.Бекчанов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (Ф.Матчанов), вилоят ички ишлар бошқармаси (Д.Назармухамедов) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда 10 кун муддатда тегишли ҳудуддаги кўчма савдо объектларининг жойлашув нуқталарини шакллантирсин ва “YER AUKSION” ЭСМ га жойлаштирилишини таъминласин.

7. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов) кўчма савдо объектлари тўғрисидаги маълумотлар реестрини юритилишини ва вилоятда кўчма савдони амалга ошириш бўйича Низомга риоя қилиниши бўйича мониторинг олиб борилишини таъминласин.

8. Савдо саноат палатаси вилоят бошқармаси (М.Ваисов)га туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда кўчма савдони амалга ошириш механизмини тадбиркорлик субъектларига етказилиши ҳамда уларни кўчма савдони амалга оширишга жалб қилиш тавсия этилсин.

9. Вилоят ҳокимининг қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. Вилоят ҳокимининг қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарор “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг xorazm.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи К.Игамбергенов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими** **Ф.Эрманов**

Вилоят ҳокимининг
2020 йил "01" февралдаги
45к -сон қарорига
1-илова

**Кўчма савдони амалга ошириш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

## I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом вилоят ҳудудида кўчма савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

байрам ва байрамолди кунларида савдо хизмати кўрсатиш юзасидан юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида кўчма савдони амалга оширишга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида кўргазма ва ярмарка савдоси ўтказишга;

бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида сотиладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг чакана савдосига;

амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган бошқа ҳолларга.

3. Ушбу низомда белгиланган тартибда кўчма савдо объектларини рўйхатдан ўтказган тадбиркорлик субъектлари вилоят ҳудудида кўчма савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**кўчма савдо** - кўчма савдо объектларидан фойдаланган ҳолда турғун савдо шохобчаларидан ташқарида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш;

**кўчма савдо объектлари** - вақтинчалик асосда жойлаштирилган ва мавсумий ёки мақсадли хусусиятга эга бўлган, шунингдек иш куни якунлангандан кейин объектни қисмларга ажратиш ва кўчириш талаб этиладиган кўчма савдо объектлари (лотоклар, палаткалар, савдо аравачалари, пештахталар, автодўконлар, автолавкалар, автоприцеплар,

автоцистерналар, озиқ-овқат юк машиналари, савдо автоматлари ва бошқалар). Қисмларга ажратиш ва кўчириш талаблари автоматлар учун қўлланилмайди;

**кўчма савдо жойи** - рўйхатдан ўтиш пайтида кўрсатилган кўчма савдо объекти жойлашган жой;

**кўчма савдо объектининг ихтисослашуви** – реализация қилинадиган товарларнинг товар гуруҳларидан бирига мансублиги билан ифодаланган хилма-хиллиги;

**кўчма савдо субъектлари** - тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва кўчма савдони амалга ошириш учун белгиланган тартибда кўчма савдо объектини "YER AUKSION" ЭСМдан рўйхатдан ўтказган шахслар;

**ваколатли орган** – Хоразм вилоят ҳокимлиги;

**иштирокчи** – танловга қатнашиш учун ариза берган тадбиркорлик субъекти;

**жойлашув схемаси** – кўчма савдо объектларининг тасдиқланган жойлашув схемаси жойлари;

**GPS трекер** - объектнинг жойлашишини аниқлаш учун кўчма савдо объектларини сунъий йўлдош орқали кузатиб бориш мақсадида унга ўрнатилган маълумотларни олиш ва узатиш учун мўлжалланган қурилма.

## II боб. Кўчма савдо фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берувчи талаблар ва шартлар

5. Кўчма савдони амалга оширишнинг мажбурий талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

чакана савдо соҳасида қонун ҳужжатларига, санитария қоидалари ва нормаларига риоя қилиш;

назорат-касса машиналари ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминалининг ёки маълумотлар алмашиш платформалари – виртуал кассаларнинг мавжудлиги (Ушбу талаб савдо автоматларига нисбатан татбиқ этилмайди);

кўчма савдо объектлари яқинида маиший чиқиндиларни йиғиш учун чиқинди қутиларини ўрнатиш;

товарларни кўчма савдо объектлари орқали ва рўйхатдан ўтилган жойда сотиш.

6. Кўчма савдо объекти ихтисослашув турлари:

нон, нон ва қандолат маҳсулотлари;

гўшт ва гўшт маҳсулотлари;

сут ва сут маҳсулотлари;

тез пиширилган озиқ-овқатлар бир марталик идишларда ёки идишларсиз;

сабзавотлар, мевалар ва полиз маҳсулотлари, шунингдек қуритилган мевалар, уруғлар ва ёнғоқлар;

алкоголсиз музлатилган, салқин ва иссиқ ичимликлар;

озиқ-овқат махсулотлари;

босма материаллар;

гуллар;

халқ амалий санъати буюмлари;

қўл санъати буюмлари, сувенирлар, кийим-кечаклар, пойафзал ва енгил саноат маҳсулотлари;

ноозиқ-овқат маҳсулотлари.

7. Қуйидаги турдаги маҳсулотларни Кўчма савдо орқали сотиш тақиқланади:

техник жиҳатдан мураккаб маиший товарлар (маиший металл ва ёғоч кесувчи ва ишлов бериш дастгоҳлари, маиший электр ускуна ва жиҳозлар, компьютерлар ва нусха кўчириш ускуналари, фото ва видео ускуналар, телефон ва факсимил ускуналар, электрон мусиқа асбоблари, электрон ўйинчоқлар, маиший газ асбоблари ва қурилмалари);

совутиш ускуналари йўқлигида тез бузиладиган товарлар;

болалар озиқ-овқат махсулотлари (қуруқ сут ва ярмалар, мева ва сабзавот консерва махсулотлари);

жониворлар ва ҳайвонлар;

алкоголли ичимликлар, шу жумладан, акциз тўланадиган товарлар;

ҳашаротлар ва зараркунандаларни заҳарлашга мўлжалланган кимёвий моддалар;

диний мазмундаги материаллар.

8. Кўчма савдо объектларини қуйидаги жойларга ўрнатиш таъқиқланади:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда, маъмурий бинолар ва маданий мерос объектлари фасад қисмига яқини ва олдини тўсадиган жойларда;

муҳандислик коммуникация тармоқлари ҳимоя зоналарида;

жамоат транспортида бекатларининг ҳар икки томонидан 15 метрдан кам бўлган масофада (савдо автоматлари бундан мустасно);

чорраҳаларгача бўлган масофа 15 метрдан кам бўлган масофада;

ахлат идишлари ва чиқиндиларни йиғиш нуқталаридан 20 метрдан кам бўлган масофада;

сунъий конструкцияларда қурилган объектларда (бекатлар, айвонлар, кўприклар);

темир йўл кесишмаларига 50 метрдан кам бўлган масофада.

9. Кўчма савдо объектлари, истеъмолчига хизмат кўрсатиш имкониятини берувчи витриналар, пештахталар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник регламентларнинг мажбурий талабларига жавоб берадиган совутгич ва бошқа технологик ускуналар, кўчма савдо объекти жойлашувини аниқлаш мақсадида GPS трекер билан жиҳозланган бўлиши зарур.

10. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кўчма савдо жойини ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга топшириш тақиқланади.

11. Кўчма савдо олиб бориладиган транспорт воситаси, энг камида, 4-экологик тоифа (Евро-4) талабларига жавоб бериши, белгиланган тартибда техник кўрикдан ўтказилган бўлиши ва техник жиҳатдан соз ҳамда санитария талабларига жавоб бериши керак.

12. Истеъмолчилар томонидан тўсиқларсиз, бемалол мурожаат қилиш имконини чекловчи кўчма савдо объекти фаолият юритишига йўл қўйилмайди. Кўчма савдо-сотиқни амалга оширишда харидорларга хизмат кўрсатиш йўлнинг қатнов қисми бўлмаган қаттиқ қопламали майдонда амалга оширилиши лозим.

13. Кўчма савдо субъектлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

Кўчма савдо объектида иш вақтининг бошланиши ва тугаши, хизмат кўрсатувчи субъект телефон рақами ва манзили тўғрисидаги маълумотлар ва савдо автоматларида техник хизматнинг телефон рақамларини жойлаштириш;

Кўчма савдо объекти ҳақидаги ўзгартиришларни, ўзгартириш киритилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўзгартиришлар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилинган ҳолда ёзма ёки электрон рақамли имзо билан имзоланган электрон шаклда ваколатли органга маълум қилиш.

14. Сотиш учун таклиф этилаётган товарлар ассортименти, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати сотувчи томонидан кўчма савдо объекти ихтисослигига мувофиқ белгиланади.

15. Кўчма савдоси субъектлари кўчма савдони рўйхатдан ўтказишда ўзлари кўрсатган иш вақтига асосан амалга оширади.

16. Автотранспорт воситаси билан кўчма савдо йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ транспорт воситасига тўхташ тақиқланмаган жойларда амалга оширилиши мумкин.

Иш вақтидан ташқарида кўчма савдо объектига фақат автотранспрот воситалари учун жиҳозланган жойларда (гаражда) тўхтаб туришга рухсат берилади. Ҳовлиларда ва турар-жой массивларда кўчма савдо объекти сақлашга йўл қўйилмайди.

17. Қоида тариқасида, савдо автоматлари орқали, талаб юқори бўлган ва паст нархдаги, стандарт шаклдаги товарлар (чой, қаҳва, салқин ва алкоголсиз ичимликлар, қандолат маҳсулотлари, нон маҳсулотлари, ширинликлар, индивидуал ноозиқ-овқат маҳсулотлари (босма материаллар ва газеталар) сотилади.

Махсулот таъминоти ва автоматларга техник хизмат кўрсатиш кўчма савдо автоматини рўйхатдан ўтказган субъект зиммасига юклатилади, шунингдек субъект автомат ва товар-моддий бойликларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши, шунингдек, автомат шикастланганида товарларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслиги лозим.

## III боб. Кўчма савдо объектини рўйхатдан ўтказиш тартиби

### 1. Кўчма савдо объектини рўйхатдан ўтказишнинг умумий қоидалари

18. “YER AUKSION” ЭСМдан кўчма савдо объектларини рўйхатдан ўтказиш тадбиркорлик субъекти томонидан кўчма савдо жойлашув жойини кўрсатган ҳолда электрон ҳужжатни тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

19. Кўчма савдо жойлашув схемасига мувофиқ амалга оширилади.

Кўчма савдо жойлашув схемалари “YER AUKSION” ЭСМ орқали сотувга қўйилади.

20. “YER AUKSION” ЭСМда кўчма савдо объектини рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги миқдорда тўлов амалга оширилади:

Урганч шаҳрида кўчма савдо операцияларини амалга ошириш учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 фоизи;

Хива шаҳар ва туманлар маъмурий марказларида кўчма савдони амалга ошириш учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи.

бошқа аҳоли пунктларида савдо-сотиқ амалга ошириш мақсадида "YER AUKSION" ЭСМда рўйхатдан ўтиш учун тўлов амалга оширилмайди.

**2. Жойлаштириш харитасини тузиш**

21. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ушбу Қоидаларнинг 8-банд талабларига мувофиқ жойлар сонини кўрсатган ҳолда, тегишли туман (шаҳар) ҳудудида кўчма савдо объектларининг жойлашув схемаларни тузадилар.

22. Кўчма савдо объектларининг жойлашув схемалари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат санитария-эпидемиология назорати инспекцияси, вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, вилоят қурилиш бош бошқармаси ва вилоят ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси ҳудудий бўлинмалари билан ер участкаси тўғрисида маълумотлар киритилганидан сўнг “YER AUKSION” ЭСМ орқали 3 кун ичида келишилади.

23. Кўчма савдо объектлариниг жойлашуви бўйича келишилган схемалар “YER AUKSION” ЭСМга 10 кун ичида ваколатли орган томонидан жойлаштирилади.

Жойлашув схемалари ҳар 3 йилда қайта кўриб чиқилади.

24. Тадбиркорлик сбъектлари "YERLEKTRON" АИС орқали кейинчалик “YER AUKSION” ЭСМ орқали реализация қилиниши учун кўчма савдо жойлашув схемаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиши.

25. Кўчма савдо учун танланган жой уч кун ичида ваколатли органлар томонидан мазкур низом талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилади.

26. Текширув натижалари бўйича ваколатли орган таклиф этилган кўчма савдо жойини “YER AUKSION” ЭСМга жойлаштириш бўйича таклиф киритади ёки рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда кўргазмага қўйишни рад этади.

**3. Кўчма савдо жойларини ким ошди электрон савдо орқали сотиш**

27. Кўчма савдо жойлари дислокация схемасига мувофиқ "YER AUKSION" ЭСМда электрон ким очди савдоси орқали амалга оширилади ҳамда энг юқори нархни таклиф этган иштирокчи савдо объектини жойлаштириш ҳуқуқини олади.

28. Аукцион нархни ошириш принципи асосида олиб борилади.

Минимал бошланғич нарх ушбу низомнинг 20-бандида кўрсатилган тўлов миқдорида белгиланади.

29. Аукционда ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор қатнашиши мумкин.

30. Аукцион унда қатнашиш учун биринчи талабнома топширилган пайтдан бошланади. Аукцион ўтказиш муддати - 3 кун.

31. Ким ошди савдосида қатнашиш учун иштирокчи "YER AUKSION" ЭСМда тегишли электрон шаклни тўлдиради ва олдиндан гаров аванс тўловини амалга оширади.

Электрон шакл қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

юридик шахснинг номи ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (мавжуд бўлса);

солиқ идентификация рақами;

кўчма савдо объектининг ихтисослашуви;

иш вақти (иш кунлари, иш вақти);

кўчма савдо объектини жойлаштириш муддати (6 ойдан ошмаслиги керак);

электрон почта манзили;

кўчма савдо объекти, унинг ходимлари, уларнинг фаолияти, шунингдек уни амалга ошириш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган жиҳозлар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар.

32. Иштирокчи электрон шаклни тўлдирганидан сўнг, электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида "YER AUKSION" ЭСМга киритилган маълумотлар тўғрилигини тасдиқлайди.

33. "YER AUKSION" ЭСМда ким очди савдоси қатнашчисини рўйхатдан ўтказиш учун ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган миқдорида олдиндан гаров (аванс) амалга олинади.

34. Аукцион якунлангач, ким ошди савдоси ғолибининг номи ва охирги нарх миқдори автоматик равишда "YER AUKSION" ЭСМда акс этади.

35. Агар аукцион тугагунига қадар буюртма фақат битта иштирокчи томонидан берилган бўлса, ушбу иштирокчи ғолиб деб топилади.

36. Аукцион ғолиби, аукцион тугаган кундан бошлаб 2 иш кунидан кечиктирмасдан, кўчма савдо жойининг тўлиқ нархини тўлаши лозим.

Бунда дастлабки киритилган олдиндан гаров (аванс) суммаси кўчма савдо жойи қийматига қўшиб ҳисобланади.

37. Кўчма савдо жойининг тўлиқ қиймати белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ғолибнинг олдиндан гаров (аванс) суммаси қайтарилмайди.

38. Кўчма савдо жойининг қиймати тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

39. Кўчма савдо жойининг қиймати тўланганлиги тасдиқлангач, ғолибга автоматик тарзда "YER AUKSION" ЭСМ орқали кўчма савдо объектининг рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи QR-код (матрицали-штрихли код) қўйилган электрон ҳужжат юборилади.

40. Аукцион тугаллангандан сўнг олдиндан гаров (аванс) суммаси аукцион иштирокчиларига уч иш куни мобайнида қайтарилади, аукцион ғолиби бундан мустасно.

41. Рўйхатдан ўтган кўчма савдо жойи жойлашиш схемасида унинг кўчма савдо объектини жойлаштириш даврида бандлигини кўрсатувчи махсус белги билан белгиланади.

**4. Кўчма савдо амалга ошириладиган транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тартиби**

42. Кўчма савдони амалга оширадиган транспорт воситаси “YER AUKSION” ЭСМда рўйхатдан ўтиш жойидан ташқарида, савдо ўтказилмасдан рўйхатдан ўтказилади. Автомобил GPS трекер билан жиҳозланган бўлиши ва тадбиркорлик субъекти “YER AUKSION” ЭСМ операторига GPS маълумотларини олиш ҳуқуқини бериши лозим.

43. Автотранспорт воситасини "YER AUKSION" ЭСМда рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли электрон ҳужжатни тўлдиради ва ушбу низомнинг 20-бандида кўрсатилган миқдорда ҳақ тўлайди.

Электрон ҳужжатда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

юридик шахснинг номи ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (мавжуд бўлса);

солиқ идентификация рақами;

транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами;

кўчма савдо объектининг ихтисослашуви;

иш вақти (иш кунлари, иш вақти);

кўчма савдо объектини жойлаштириш муддати, 6 ойдан ошмаслиги керак;

электрон почта манзили;

кўчма савдо объекти, унинг ходимлари, уларнинг фаолияти, шунингдек уни амалга ошириш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар.

44. Рўйхатдан ўтиш бадали тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

45. Электрон ҳужжат тўлдирилгач, "YER AUKSION" ЭСМ тадбиркорлик субъекти томонидан киритилган маълумотларни онлайн тарзда қайта ишлайди ва кўчма савдо объектининг рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи QR-код (матрицали-штрихли код) қўйилган электрон ҳужжат юборади.

46. Рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи электрон ҳужжат тадбиркорлик субъектининг электрон почта манзилига ҳам юборилади.

47. Тадбиркорлик субъектида кўчма савдони амалга ошириш учун бир нечта транспорт воситалари мавжуд бўлса, рўйхатга олиш ҳар бир транспорт воситаси бўйича алоҳида амалга оширилади.

**5. Кўчма савдоси объектларини ҳисобга олиш тартиби**

48. Ваколатли орган электрон шаклда юритиладиган Кўчма савдо объектлари реестрида (кейинги ўринларда – реестр) кўчма савдо объектларининг ҳисобини юритади.

49. Реестрга ҳар бир рўйхатдан ўтказилган кўчма савдо объекти бўйича қуйидаги маълумотлар киритилади:

рўйхатга олиш санаси ва унинг рақами;

юридик шахснинг тўлиқ номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

кўчма савдо объектининг ихтисослашуви;

кўчма савдо амалга ошириладиган транспорт воситасининг давлат рўйхатдан ўтказиш рақами белгиси тўғрисидаги маълумотлар (транспорт воситаси орқали кўчма савдо амалга оширилганда);

кўчма савдо объектини жойлаштириш даври;

кўчма савдо объекти жойлашган жой.

50. Ушбу Низомнинг 49-бандида кўрсатилган маълумотлар реестрга ваколатли органнинг келиб тушган маълумотларни ҳисобга олиш учун масъул бўлган ходими томонидан киритилади.

51. Кўчма савдо объектлари тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспексияси;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмаларга юборилади.

**6. Кўчма савдосини амалга ошириш муддатини тугатиш ва кўчма савдо объектини жойлаштириш муддатларини узайтириш**

52. Кўчма савдони амалга ошириш жойини ўзгартириш кўчма савдо объектларини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган умумий тартибда амалга оширилиши мумкин.

53. Ваколатли орган кўчма савдо объектини реестрдан қуйидаги ҳолларда чиқариб ташлашга ҳақли:

ушбу кўчма савдо объекти бўйича тақдим этилган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;

юридик шахс тугатилганда, жисмоний шахс томонидан якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги фаолиятининг тугатганда;

кўчма савдо субъекти томонидан мазкур кўчма савдо объектидан фойдаланган ҳолда кўчма савдони амалга оширишни тўхтатганлиги тўғрисида хабарнома киритилганда.

54. Реестрдан чиқариш кўчма савдо субъектининг кўчма савдо объекти жойлашган жойда кўчма савдони амалга ошириш ҳуқуқини йўқотишига олиб келади. Реестрдан чиқариш қайта рўйхатдан ўтишга тўсқинлик қилмайди.

55. Рўйхатдан ўтишда кўрсатилган кўчма савдо объектини жойлаштириш даври тугагач, тадбиркорлик субъекти кўчма савдо жойини бўшатиши лозим.

56. Тегишли савдо жойида кўчма савдо объектини жойлаштириш муддатини икки мартадан кўп узайтиришга йўл қўйилмайди (мазкур чеклов савдо автоматларига татбиқ этилмайди). Бунда, кўчма савдо субъекти кўчма савдо объектини жойлаштириш муддати тугагунга қадар “YER AUKSION” ЭСМ да кўчма савдо объектини жойлаштириш муддатини узайтириш тўғрисидаги электрон ҳужжатни тўлдириши лозим.

Электрон ҳужжат тўлдирилгандан сўнг ҳамда ушбу низомнинг 20-бандида кўрсатилган миқдордаги ҳақ тўлангандан кейин, “YER AUKSION” ЭСМ кўчма савдо субъектининг электрон почта манзилига кўчма савдо объектини жойлаштириш муддати узайтирилганлигини тасдиқловчи QR-код (матрицали-штрихли код) қўйилган электрон ҳужжат юборади.

**IV-боб Якуний қоидалар**

57. “YER AUKSION” ЭСМда жойлаштирилган маълумотлар танишиб чиқиш учун очиқ ҳисобланади.

58. Кўчма савдо объектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш истеъмолчи ёки суб-истеъмолчи сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

59. Аукцион савдолари ўтказилишидан олинган йиғимлар ва пул маблағлари суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

30 фоизи Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига;

70 фоизи тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

60. Ушбу Низом талабларини бузган айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вилоят ҳокимининг
2020 йил “ I ” февралдаги
45к -сон қарорига
2-илова

**“YERELEKTRON” ААТга уланадиган бошқарма, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари**
**РЎЙХАТИ**

1. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
2. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси
3. Вилоят Қурилиш бош бошқармаси
4. Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси
5. Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси;
6. Давлат санитария-эпидемиология осойишталик маркази
7. ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси

Вилоят ҳокимининг
2020 йил “ I ” февралдаги
45к -сон қарорига
3-илова

**Вилоят ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари рўйхати**

1. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 19 июлдаги “Кўчма савдога рухсат бериш тартиби тўғрисида Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 273қ-сон қарори.

2. Вилоят ҳокимининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 260қ-сон қарорига 1-илова 10-банди, 3-илованинг 21-банди.

Вилоят ҳокимининг
2020 йил “ I ” февралдаги
45к -сон қарорига
4-илова

**Вилоят ҳокимининг қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вилоят ҳокимининг 2002 йил 2 декабрдаги 217-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомда:

2-банди тўртинчи хатбошидаги “нақд пулга” сўзларидан кейин “ёки банк пластик карталари, электрон тўлов шунингдек банк ҳисоб рақамларидан пул ўтказмалари орқали” сўзлари билан тўлдирилсин;

19-банди қуйдаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда савдо автоматлари орқали ҳамда назорат-касса машиналаридан фойдаланмаган ҳолда чакана савдони амалга оширишга йўл қўйилади”.

2. Вилоят ҳокимининг 2003 йил 2 февралдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 3-банди:

иккинчи хатбошиси “нақд пулга” сўзларидан кейин “ёки банк пластик картали орқали” сўзлари билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошиси “ларёклар” сўзидан кейин “савдо автоматлари” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбошси билан тўлдирилсин:

“савдо автомати – бу маҳсулотларни сотувчи иштироксиз, нақд пул ёки бошқа тўлов воситаларини қабул қилгандан кейин тақдим қиладиган савдо ускунаси”;

тўққизинчи – ўн иккинчи хатбошилари тегишинча ўнинчи – ўн учинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

3. Вилоят ҳокимининг 2011 йил 26 ноябрдаги 279қ-сон қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолияти хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифалари рўйхатининг 2-банди:

қуйидаги мазмундаги “г” хатбошиси билан тўлдирилсин:

“савдо автоматларини қўллаган ҳолда чакана савдо қиладиган”




# Хоразм

Муассис: Ўзбекистон

Газета 1920 йил 8 мартдан чиқа бошлаган

2020 ЙИЛ


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ҚАРОРИ

# МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатининг халқимиз маънавияти, бадиий-эстетик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу эса ушбу санъатни бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак авлодларга безавол етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам машҳур бўлган Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" ансамбли ўзининг қарийб 30 йиллик фаолияти давомида ўзбек миллий рақс санъати ривожида ўчмас из қолдирди. Бироқ мустақилликнинг дастлабки йилларида "Баҳор" ансамблининг ижодий фаолияти тўхтаб қолди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда миллий рақс санъатида профессионал бадиий жамоалар фаолиятини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни тарбиялаш, балетмейстерлар ва балет артистларининг янги авлодини шакллантирадиган ижодий лабораторияларни ташкил этиш.

миллий рақс санъатининг мумтоз ва замон
ижро намуналари "олтин фонди"ни яратиш;

халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий
санъати ҳақидаги назарий ва амалий билимлар б
кенг таништириш орқали уларнинг қалби ва он
миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига ҳу
туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафакк
камол топтириш;

рақс ва хореография санъати соҳасида кад
тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошири
ташкил этишда иштирок этиш, истеъдодли
балетмейстерларнинг самарали фаолият кўрсат
учун шароитлар яратиш;

миллий рақс ва хореография санъати соҳасида
борилаётган илмий изланишларнинг натижа
асосида замонавий рақс композициялар
сахналаштириш;

миллий рақс санъатини мамлакатимизда
хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш мақса
Давлат рақс ансамблининг миллий ҳамда жа
халқлари рақсларидан иборат дастурлари асосид
гастроль-концерт фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Қуйидагилар:

**"Мукаррама Турғунбоева номидаги "Бах
давлат рақс ансамбли" давлат муассасасин
тузилмаси** 1-иловага;

**"Мукаррама Турғунбоева номидаги "Бах
давлат рақс ансамбли" давлат муассас**

# ҳақиқати

республикаси Хоразм вилояти ҳокимлиги

12 ФЕВРАЛЬ №13 (19671) ЧОРШАНБА

www.xorezmnews.uz
info@xorezmnews.uz


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## К А Р О Р И

# РАҚС САНЪАТИ СОҲАСИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда қадимий ва бой маданий меросимиз, миллий ўзлигимиз, бетакрор қадрият ва анъаналаримиз, маданият ва санъатимизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган рақс санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва жаҳон рақс санъатининг намуналаридан кенг баҳраманд этишни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Рақс санъати соҳасида "Устоз-шогирд" анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратиш, халқаро стандартларга мувофиқ юқори малакали мутахассислар ва кадрларни тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда илм-фанни жадал ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг:

**Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида** давлат олий таълим муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Маданият

рақс санъати бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

илмий тадқиқотлар натижалари бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш;

талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий ва халқаро грантлар асосида уларнинг хорижда таълим олиши, илмий-ижодий ишлар олиб боришини самарали йўлга қўйиш, ҳамкорликдаги концерт дастурларини ташкил этиш;

кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-ижодий фаолиятни янада ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни ушбу йўналишга кенг жалб этиш;

соҳа мутахассисларини хорижий турдош олий таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, стажировка ўташ тизимини ташкил этиш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот муассасалари базаларида ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи ташкилотларида тизимли равишда қисқа ва узоқ муддатли амалиётларни ташкил этиш;

Хоразм ҳақиқати
2020 йил 12 февраль
www. xorezmnews.uz
xorezmnewsuz

# Хоразм вилояти ҳокими
# ҚАРОРИ
# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН 2020 ЙИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан 2019 йил 29 декабрдаги 1442/01-13-сонли ва 02/07-02-32/2166-сонли, 4-8/14-1237-сонли ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисидаги келишилган қўшма хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6,25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Хоразм вилоятидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2020 йил 1 январдан қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага;

ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага;

моддий-маданий мерос объектларидан меҳмонхона ва умумий овқатланиш фаолиятлари ташкил қилишда ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 3-иловага;

бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек, алоҳида ажратилган майдонларда (асфальтланган ёки бетонлаштирилган ҳудудларда) радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари ҳисобланиши тартиби 4-иловага;

Хоразм вилояти шаҳарлар ва туманларининг марказий ва серқатнов кўчалари рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шаҳарлар ва туманлар марказий серқатнов кўчаларидаги давлат мулки объектларига қўлланиладиган ижара ҳақини ҳисоблаш вилоятдаги марказий серқатнов кўчаларнинг рўйхати, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссияси ҳамда вилоят қурилиш бош бошқармаси хулосалари асосида амалга оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги вилоят давлат мулкини ижарага бериш маркази давлат унитар корхонаси (Б.Сабиров) ижара ҳақи қийматини белгилашда 1-иловада кўрсатилган кўчмас давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг нол ставкаси қўлланилсин;

вилоят ҳудудидаги маданий мерос объектларини Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 октябрдаги 881-сон қарори талаблари асосида ижарага берилишини таъминласин.

3. Давлат мулкини балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари йил чорагида камида бир марта ўзининг тасарруфида бўлган давлат мулкини хатловдан ўтказган ҳолда фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги, шунингдек, ижарага берилаётган мол-мулкнинг тикланиш қиймати тўғрисидаги маълумотларни Хоразм вилояти Давлат мулкини ижарага бериш марказига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб беришлари белгилансин ва давлат мулкини ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижаси ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги учун қонун ҳужжатларида тегишли жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши билан Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 29 декабрдаги "Хоразм вилоятидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2019 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида"ги 791к-сон қарори 2020 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталарида эълон қилинсин ва 1 кунлик муддатда давлат ҳисобига олиш учун вилоят адлия бошқармасига юборилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги матбуот котиби, ҳокимнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.Карриев мазкур қарорнинг вилоят ҳокимлигининг xorazm.uz расмий веб-сайтида ва турли веб-сайтларда жойлаштирилишини таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Туляганов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими Ф.ЭРМАНОВ**